

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИГА ДОИР

Хакимова Шоира Сағдуллаевна,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
тарих факультети таянч докторанти

For citation: Khakimova Shoira. On some details of life and creativity of Bahouddin Nakshband. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 72-79.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-8-6>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада инсон қалбини поклаш, уни руҳий-маънавий жиҳатдан юксалтиришни мақсад қилган тасаввуф таълимотининг нафақат юртимизда, балки бутун дунёда тараққий этишига, ушбу илмнинг ривожига беқиёс ҳисса қўшган, ўзларини хожагон тариқатининг давомчиси деб ҳисоблаб, ушбу тариқат ғояларини ривожлантиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган, нақшбандия тариқати асосчиси, буюк мутасаввиф — Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумот берилади.

Калит сўзлар: ислом дини, тасаввуф, пирлар ва саййидлар, суфий, тариқат, таълимот, тафаккур, маънавий тарбия, суҳбат.

НА НЕКОТОРЫЕ ДЕТАЛИ ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВА БАХОУДДИНА НАКШБАНДА

Хакимова Шоира Сагдуллаевна,
Базовый докторант факультета истории
Национального университета Узбекистана
имени Мирзы Улугбека

АННОТАЦИЯ

В этой статье даются сведения о жизни и творчестве великого суфия Бахоуддина Накшбанда основателя течения накшбандия, целью которого было очищение человеческой души, его духовное возвышение, считая себя продолжателем течения хожагон, он сделал огромный вклад в развитие этой науки, развития идей этого течения и поставил перед собой задачу распространения его не только в нашей стране но и по всему миру.

Ключевые слова: исламская религия, суфизм, пиры и сайиды, суфии, течение, учение, мышление, духовное воспитание, беседа.

ON SOME DETAILS OF LIFE AND CREATIVITY OF BAHOUDDIN NAKSHBAND

Khakimova Shoira,
Basic doctorate of the history
National University of Uzbekistan
Name of Mirza Ulugbek

ANNOTATION

This article provides information about the life and work of the great Sufi Bakhouddin Nakshband of the founder of the nakshbandiya flow, the purpose of which was to purify the human soul, its spiritual elevation, considering himself a continuer of the chojagon flow, he made a huge contribution to the development of this science, developing the ideas of this flow and set the task of spreading it not only in our country but throughout the world.

Key words: Islamic religion, Sufism, holy Pirs and Sayids, Sufis, current, teaching, thinking, spiritual education, conversation.

Уйғониш даври мутафаккирлари, буюк мутасаввуф олиму шоирларини илмий ва амалий фаолиятини давом эттириш Амир Темур ва

темурийлар зиммасига тушганда адабиёт ва илм-фаннинг тараққиётида бу даврда суфийлик ижобий рол ўйнаб, кенг тан олинди. Суфизм Темур ва темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши учун ғоявий омил бўлган. Кўзга кўринган суфийлар мамлакатнинг маънавий ҳаётидагина эмас, балки маданият аҳллари манфаатлари ҳамда маънавият тараққиётининг тез-тез ёқлаб чиқиш билан давлатнинг ички сиёсий ҳаётида ҳам муҳим рол ўйнаганлар. Ўрта Осиё халқлари орасидан Шарқ ирфоний тафаккури тараққиётига улкан ҳисса қўшган шундай мутафаккир мутасаввуфлардан бири Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанддир.

Баҳоуддин Нақшбанд ислом оламида Баҳоуддин Балогардон, Ҳазрат Баҳоуддин, Шоҳи Нақшбанд, Хожа Баҳоуддин, Имоми Раббоний, Ҳожаи Бузруг ва Ҳожа ул Ҳақ ва дин каби шарафли номлар билан машҳур бўлганлар. Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг исми-шарифи турлича номлар билан зикр этилади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ота-онаси Бурҳониддин Муҳаммад ва Биби Орифалар оиласи Жанубий-ғарбий Туркистоннинг XIV аср бошларидаги бош шаҳарлари Бухорода - “Қасри Хиндувон”, кейинчалик “Қасри Орифон”да, Қарши, Занжирсарой, Кешда яшаганлар, зироатчилик, кимхобдўзлик билан кун кечирганлар. Баҳоуддин падари бузрукворининг Бурҳониддин Муҳаммад шарафли унвони у зот замонасининг ўқимишли, маърифатли ва ўта тақводор, суфий - орифлар, дарвешлар, шу жумладан Бобойи Самосий, Амир Саййид Кулоллар давраларида ирфоний мулоқот муҳи-тида юрган инсон бўлганлигидан дарак беради. Отаси Баҳоуддинни айнан увайсий суфийлар зикр суҳбатларига жуда эрта олиб кирган, ўшалардек покдомон, тақводор мусулмон бўлиб етишишини орзу қилган.

“Мақомати Ҳожа Баҳоуддин” асарида келтирилган баъзи маълумотлар Баҳоуддиннинг отаси Бурҳониддин Муҳаммад ҳам, кейинчалик Баҳоуддин ҳаётида бўлганидек, мамлакат, ўша даврдаги Ҳалил Қазон Хон, унинг отаси Бўёнқули давлат идора ва бошқарув сиёсати-га аралашган зотлардан бири бўлганлиги, демак кейинчалик ўз фаолиятининг йигитлик даврида, яъни 1335-1347 йилларда сиёсий ҳаётда фаол қатнашганлигини тасдиқлайди[1,126].

Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 718 йил мезон ойида (мелодий 1318 йил август-сентябр ойлари) Бухородан 12 чақирим узоқликдаги Қасри Хиндувон қишлоғида косиб оиласида дунёга келади. Кейинчалик қишлоқ четидаги Баҳоуддиннинг оналари хоки қўйилган қабр ва унинг қошидаги масжид ва унинг атрофидаги

қишлоқ Қасри Орифон номи билан тарихга кирган[3,26]. Баҳоуддин у кишининг фахрий номлари бўлиб, дину-исломда эришган ютуқлари учун халқ томонидан берилган. Маъноси - диннинг нури, динга равшанлик берувчи. Бутун ҳаёти давомида ўзининг кароматлари, дуолари билан халқни турли хил офату-балолардан сақлаб юрганликлари учун халқ у кишини Баҳоуддин Балогардон (Балони даф этувчи Баҳоуддин) деб улуғлашган.

Нақшбанд номи ҳазратнинг касби-коридан олинган. У киши касиб оиласида дунёга келганлар, ўзлари ҳам хунармандчилик билан машғул бўлганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд насаб томонлама Муҳаммад пайғамбаримизга боғланади: Муҳаммад алайҳиссалом, Ҳазрати Али, Имом Ҳусайн, Имом Зайнулобиддин, Имом Муҳаммад Боқир, Имом Жаъфар Содиқ, Абу Язид Бистомий, Абулҳасан Харақоний, Абул Қосим Кўрагоний, Абу Али Формидий, Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний, Абдулхолик Фиждувоний, Ориф Регварий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Азизон Рометоний, Бобойи Самосий, Саййид Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд.

Баҳоуддин Нақшбанд она томонидан насаблари Сиддиқийлар, яъни Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади. Бу асосида айтиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ота, ҳам она томонидан Муҳаммад Пайғамбаримиз авлодларидандир.

Баҳоуддин Нақшбанд туғилмасданоқ Хожа Бобойи Самосий Қасри Хиндувон қишлоғидан ўтаётиб, бу тупроқдан бир эр иси келур ва у рўзгорининг муқтадоси (шаҳар йулбошчиси) булғай, деб башорат қилган. Баҳоуддин туғилгандан сўнг уни Бобойи Самосий фарзандликка қабул қилади. Унга Муҳаммад деб исм қўйиб, унинг тарбиясини шогирди Саййид Мир Кулолга топширади. Баҳоуддин Нақшбанд суфийлик даражасига Абдулхолик Фиждувонийнинг ғойибона сабоқдари орқали эришади. Аввало, Баҳоуддин Саййид Жалолиддин ва Биби Орифа хонадонида Қуръони Карим, Ҳадиси шарифдан ва бошқа суфийлик илму- каломлардан дастлабки сабоқни олди. Етти ёшидаёқ Қуръони Каримни тўлиқ ёд биларди.

Қаршига Мир Саййид Кулол ҳузурига келганда Баҳоуддин ўн бир ёшда бўлганлар. Демак, ҳали Саййид Мир Кулол ҳузурига келмасданоқ Баҳоуддин Нақшбанд Қуръонни ёд билган ва тасаввуф маърифатидан бохабар эди. У Саййид Мир Кулолдан нафакат тасаввуф асосларини, буюк машойихлар асарларини, шариатни, фикхни, балки дунёвий фанлардан ҳам сабоқ олди. У Саййид Мир Кулолдан 7 йил сабоқ олган.

Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанднинг Қусам Шайх хизматида 3 ой, Ҳалил Ота хизматида 12 йил[9,79], Ориф Дегароний хизматида 7 йил бўлганлиги манбаларда қайд этилади.

Илоҳий истеъдод соҳиби бўлган Баҳоуддиннинг руҳоният жиҳатдан пири муршидлари ҳазрат Абдулхолиқ Гиждувонийдир. Чунки Баҳоуддин Нақшбанд ўзларини хожагон тариқатининг давомчиси деб ҳисоблаб, ушбу тариқат ғояларини ривожлантиришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад Боқирнинг ёзишича, 18 ёшида уйланган ҳамда 4 қиз ва 1 ўғиллари бўлган. Бир қизлари ёшлигида вафот этган. Қолган 3 қизлари қуйидагилар:

Биби Хотуни Калон. Баҳоуддин Нақшбанднинг энг катта қизлари бўлиб, Алоуддин Атторнинг ўғли Ҳасан Атторга турмушга чиққан.

Биби Робия Хотун. Баҳоуддин Нақшбанднинг ўртанча қизлари. Аллома Мавлоно Фазлуллоҳ Найистонийга турмушга чиққан.

Биби Сарвар Хотун. Баҳоуддин Нақшбанднинг кенжа қизлари. Отасининг вафотидан кейин Абул Хайр Туркистонийга турмушга чиққан[2,286].

Баҳоуддин Нақшбанднинг бир ўғил фарзанди бўлганлиги ҳақидаги маълумот бизгача етиб келган. “Насаби тоза саййидлардан бири нақл қилиб деди: “Ҳазрати Хожамиз, ... Байт-ул-Ҳаром (Каъба) зиёратига борганларида хожилар қурбонлик қилиш билан машғул эдилар. Ҳазрати Хожамиз: “Биз ҳам бир ўғилга эга эдик, уни қурбон қиламиз”, дедилар. Улар билан бирга бўлган дарвешлар бу сўзнинг ой-қунини ёзиб қўйдилар. Бухорога қайтиб келганларида, бу сўз уларнинг муборак оғизларидан чиққан куни ул зотнинг ўғиллари вафот этганликлари маълум бўлди»[1,124].

Бошқа бир жойда яна қуйидагича Баҳоуддин Нақшбанднинг ўз сўзлари келтирилган: «Ҳазрати Хожа дедилар: «Биз Ҳақ Таоло инояти билан Расул, С.А.В.! га мос иш қилдик. Бизнинг ўғлимиз ҳам ўлди. Нимаики Ҳазрат С.А.В.! да юз берган бўлса, ирода хоҳиши туфайли бизда ҳам юз берди» [1,186]. (Муҳаммад С.А.В.! ўғли вафотига ишора).

Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти тўғрисида маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Нақшбанд умрининг сўнгги даври тўғрисида деярли маълумот йўқ. Муҳаммад Порсонинг “Қудсия” асарида қайд этилишича: “шоҳона пуштипаноҳи султон Ҳалил саройини тарк этгач, ҳазрат Баҳоуддин шогирди билан Бухорога келди ва Ривортун қишлоғида манзил тутди”. Шу ерда ҳазрат Баҳоуддин шогирдлари даврасида дарвешона ҳаёт кечира бошлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётда 73 йил умр кечириб, ҳижрий 791 йилнинг 3-рабиу-л-аввали (мелодий 1389 йилнинг 1 марти)да душанба куни кечаси оламдан ўтганлар. Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Рисолаи Қодирия”сида қуйидагича маълумот берилган. “Ҳазрат Хожа Баҳоуддиннинг таваллудлари тарихда етти юз ўн саккизинчи йилда, вафотлари етти юз тўқсон биринчи йили жумадул-аввал ойининг учунчи куни эди. Ҳаётликларининг муддати етмиш уч йил дебдурлар...”[5,54].

Баҳоуддин Нақшбанднинг хоки пойлари ўз она қишлоғига дафн этилгандир. Шайх дахмаси атрофида кейинчалик меъморий мажмуа юзага келган. Албатта, мажмуанинг асосини Шайхнинг мармардан квадрат шаклда ишланган дахмалари ташқил этади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти давомида ўзигача ўтган барча суфий, машойихлар таълимотини пухта эгаллади ва бу соҳада қуйидаги йўналишни белгилади: таълимотининг асосини жувонмардлик — барча инсонларга яхшилик қилиш, ортиқча мол-дунёга ружу қўймаслик, ўз қўл кучи, кўз нури эвазига кун кечириш, бировларнинг дардига малҳам бўлиш, иложи борича қўлга киритилган ноннинг ярмини бир муҳтожга бериш, дилозор бўлмаслик, фарз ва суннатларни бировга кўрсатиш учун ёки бошқалар ижро этаётгани учун эмас, балки қалбдан хуфя бажариш ташқил этган. Нақшбандия тариқати қуйидаги тўрт тамал асос устига қурилган:

- 1) шариат билан зоҳирни поклаш;
- 2) тариқат билан ботинни поклаш;
- 3) ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ;

4) маърифат ила Аллоҳга эришмоқ[10,109б]. Бундан ташқари ўн бир асосий тамойил ҳам бор.

Нақшбандия тариқатининг асосий тарбия усули — суҳбат. Чунки суҳбат орқали инсон қалбига кириб бориш мумкин. Бошқа тариқатлардаги чилла ўтириш, зикри жаҳрияни Баҳоуддин Нақшбанд хуш кўрмаганлар. Чунки чилла ўтириш, хилватнишинлик — одамлардан узоқлашиш, ўзини кўз-кўз қилиш ва васвасага берилишдир. Суҳбат нақшбандиянинг бош шиори — одамлар ичра хилватда бўлишга мос эди. Ҳунар билан, касб билан шуғулланиб ёки бирор иш билан банд бўлиб ҳам, Аллоҳ ёдини дилда сақлаш, бандаликни бир нафас унутмаслик, ҳаммавақт, ҳамма ерда, истаган шароитда ўзини огоҳ деб билиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаш улуғ фазилатдир[2,282].

Баҳоуддин Нақшбанднинг суҳбатга эътибор беришларининг сабаби шуки, бу ҳам Расуллоҳ с.а.в.дан қолган суннатдир. Зеро Расуллоҳ с.а.в. дин асослари, шариат аҳкомини ва ғайб асрорини суҳбат билан

бошқаларга тушунтирар эдилар. Шунинг учун ҳам у киши билан бирга бўлганларни саҳобалар, яъни аҳли суҳбат деб атаганлар[4,100б].

Баҳоуддин Нақшбанд кўп улуғларнинг суҳбатини олган ва муридларни суҳбат воситасида тарбиялаган.

Нақшбандия тариқатининг муҳим асосларидан яна бири суфийнинг ўз маънавий ҳолини яшириши, шуҳрат ва риёдан қочишидир. Шу мақсадда улар халқ орасида ориф бир суфий сифатида юргандан кўра эл қатори оддий бир инсон бўлиб юришни ихтиёр этганлар. Риёдан сақланиш учун кароматларини сир тутганлар. Баланд овоз билан (жаҳрий) зикр қилишдан, тариқатга мансублиги кўрсатадиган махсус кийим кийишдан, ҳатто така — хонақоҳ барпо этмоқдан сақландилар. Тариқат маросимларига аҳамият бермайдилар. Футувват нашъасида эса фидокор ва жўмарддирлар. Қўл меҳнати билан кун кечиришга аҳамият берадилар. Бу хусусиятлар Абдулхолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд асос солган хожагон-нақшбандия тариқати таълимотларидир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва ижодий фаолиятида бизга ўрганилиши лозим бўлган кўплаб мерос қолдирган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ёзма мерос қолдирганлиги, мунозараларга сабаб бўлмоқда. Туркияда чиққан Шамсиддин Сомийнинг "Қомус-ул-аълам" асарида ёзилишича Нақшбанднинг "Ҳаётнома", номли ваъз ва панду насихатлари ва "Далил ул-ошикин" номли тасаввуфга оид китоблари бўлган.

Нақшбандшунос олима Г.Наврўзова 1995 йил инглиз тилида чиққан Шайх Муҳаммад Хишом Қаббонийнинг "Нақшбандия суфийлик йўли тарихи. Валийлар силсиласи бўйича маълумотлар" асарида келтирган Нақшбанднинг "Ал-Аврод ал Нақшбандия", "Хаддийат ас-соликин ва тухфат ат-толибин", "Танбех ал-ғофилин" китоблари бор, деган хабарига таяниб, ҳазратнинг "Аврод" номли асарини Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербургдаги филиалида В 3829 ва А 1539 шифрлари остида сақланаётган[7,142-143б] қўлёзма асарини топди. "Аврод" асари араб тилида ёзилган бўлиб, унинг биринчи нусхаси "Авроди Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд" деб номланиб, 14 варақдан иборат. Иккинчи нусхаси "Авроди Бахойиа" деб аталиб, 20 варақдан иборат[6,4б]. Ҳар икки нусханинг мазмуни айнан ўхшаш ва муаллифи Шайх Муҳаммад Баҳоуддин эканлиги қайд этилган. Асар солиқларнинг узлуксиз бажариб юриши зарур бўлган вазифалари хусусида ёзилган. Агар ҳозирча Шамсиддин Сомий, Гаспирали Исмоилбей таъкидларига, ҳамда Шайх Муҳаммад Хишом Қаббоний қайдига таянадиган бўлсак, Баҳоуддин Нақшбандга бешта қўйидаги:

"Ҳаётнома" ёки "Арбоби урфон", "Далилул-ошиқин", "Ал-аврод ал Нақшбандия", "Ҳадийят ус-соликин ва тухфат ут-толибин", "Танбех ал-ғофилин" асарлар нисбат берилмоқда[8,656].

Улардан олима Г.Наврўзованинг тадқиқоти сабабли "Аврод" илмий жамоатчилиққа маълум бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Баҳоддин Нақшбанддан бизга ўлкан маънавий мерос қолган. Унинг таълимоти аҳоли орасида тасаввуф ғояларини кенг ёйиш билан ислом динини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Шунингдек, тасаввуфдаги ҳаддан ташқари ҳолатларни ислоҳга келтириб, риёзат ва покланиш камолотини жисмоний ва ижтимоий-ахлоқий эҳтиёжлар билан мувофиқлаштиришга интилиб келган, моддий дунёга кескин муқобил туриш ўрнига раҳнамолик ва тарбияни биринчи ўринга қўйган, ёмонликни нафрат ва ўч ҳисси билан қарши олмай, шавқат ва меҳр орқали уни эзгуликка айлантиришга ҳаракат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир Ибн Муҳаммад Али. "Мақомати Хожа Баҳоддин Нақшбанд". –Тошкент: Ёзувчи, 1993. – Б.208.

2. Буюк юрт алломалари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 421.

3. Зоҳидов П. Хожа Баҳоддин Нақшбанд меъморий хазира. – Тошкент: 1993. – Б.18.

4. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. –Б.444.

5. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Ғавсул-Аъзам. Рисолаи қодирия (Авлиёлар султони). – Тошкент: Нур, 1992. – Б.54.

6. Наврўзова Г. Аврод - Баҳоддин Нақшбанд қаламига мансуб рисола. // Нақшбандия, 1996. -№ 1-2. – Б.4.

7. Наврўзова Г. Баҳоддин Нақшбанд асари тўғрисида. Мустақил Ўзбекистон фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. Тўплам. – Тошкент, 1996. – Б.142-143.

8. Назаров Б. "Ислом агиографияси тазимида мақоматнинг ўрни ва унинг бадий-услубий хусусиятлари (Баҳоддин Нақшбанд мақоматлари асосида)": Дисс. - Тошкент: 2000. – Б.153.

9. Фаҳриддин Али Сафий. Рашахот. (Оби ҳаёт томчилари). – Тошкент, 2003. – Б.536.

10. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б.109.